

Комил Синаров

Қардиз
сағоси

Ўқиниши эшиг




ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2016

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

С-58

Синдаров, Комил

Қалб садоси: шеърлар / К.Синдаров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 352 б.

ISBN 978-9943-27-868-4

Шеър – кўнгилдан сатрларга кўчган туйғулар шодаси. Муаллиф Ватанга, ўз яқинларига, ҳамкасбларига бўлган меҳр тўла ҳисларини қоғозга кўчирар экан, уларни «Қалбим садоси» деб таърифлайди ва шу ном билан китобга жамлайди.

Комил Синдаров ўз шеърларида бу олам гўзалликларидан завқланиш баробарида уларни асраш, қадрлаш, шу билан бирга инсоний сифатларни ҳам мукамаллаштириш ҳақидаги ўғитларини бериб кетади.

Китоб кенг ўқувчилар оммасига бағишланган.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

*Китобда рассом Азамат ҲОТАМОВ
ишларидан фойдаланилди.*

ISBN 978-9943-27-868-4

© Комил Синдаров, «Қалбим садоси». «Янги аср авлоди»,
2016 йил.

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Муҳтарам китобхон!

2010 йилда «Қалбим қўшиғи» номли шеърий тўп-ламимнинг 1-жилди ҳукмингизга ҳавола этилган эди. Мана, орадан қарийб беш йил ўтиб, унинг 2-жилдини чоп этиш бахтига муяссар бўлдим. Гарчанд шу ўтган давр ичида «Саркаш хаёллар» (2011), «Илинж» (2011), «Шукроналик шукуҳи» (2012), «Бир кам дунё... кўркам дунё» (2014) номли мўъжазгина шеърий китобларимни эълон қилишга улгурган бўлсам-да, айрим мухлисларимнинг «Кейинги пайтларда шеър ёзмай қўйдингизми? Ёки илҳомингиз сўлиб қолдимми?» деган ҳазиломуз танбеҳларини эшитишга тўғри келди.

Баъзан ўзимга ҳам қалбимдаги шиддат пасайгандек, илҳом булоғининг кўзи ёпилиб қолаётгандай туюлади. Лекин ногаҳон илҳом парилари яна эшик қоққанда, юрагим бир оз таскин топади. Юракдаги туйғуларим, дардларим оққа тўкила бошлайди...

Албатта, зийрак мухлисларимиз асосли айтганларидек, шеърият майдонида «камнамо» бўлиб қолишимизнинг бошқа «узрли» сабаблари ҳам бор. Бу наср соҳасида ҳам ўзимни синаб кўриш борасидаги саъй-ҳаракатим билан боғлиқ. Дарвоқе, шу жойда бундан беш йил олдин содир бўлган бир воқеани эслашни жоиз топдим.

Ўшанда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, устоз Худойберди Тўхтабоев бир шеърий китобимни ўқиб чиқиб, нашриёт орқали мени топтиргандилар. Мен гарчанд ёшлигимда бу устознинг асарларини ўқиб, олам-олам завқ-шавқ олган бўлсам-да, у киши билан шахсан таниш эмас эдим. Учрашдик:

– Шеърларингиз менга, келинойингиз Санобархонга жуда манзур бўлди, – дедилар устоз китобимни қўлларига олиб. – Содда, халқона, ўқишли тилда ёзилган. Аммо...

Устоз бир оз тин олиб, пиёладаги чойдан ҳўпландилар. Юрагим орқага тортиб кетди. «Энди роса саваласалар керак!» деган хаёлга бориб, ўриндиққа чўкиб кетгандай бўлдим.

– Аммо... «Қалбим қўшиғи» номли тўпламингизга ёзган сўзбошингиз менда ўзгача таассурот қолдирди, – давом этдилар ёзувчи самимий оҳангда. – Қўнглингизда борини тўкиб солибсиз. Жуда чиройли чиқибди. Сизда ёзувчиликка қобилият бор экан. Бир ўзингизни синаб кўрмайсизми?

Мен донг қотиб қолдим. Аввалига «ҳазиллашяптиларми?» деган ўйга бордим. Суҳбатдошимнинг жиддий гапираётганлигини унинг юз ифодасидан сезиб, нотўғри хулосага келганимни англадим.

– Бугунги ўзбек адабиётида детектив жанрда ёздиганлар камайиб кетган. Сиз ҳуқуқшуносиз. Прокуратура, суд идораларида ишлагансиз. Соҳанинг ёзувчиларга маълум бўлмаган сир-асрорлари сизга таниш. Бу сизга қўл келади. Асарларингиз жонли чиқади.

– Устоз, кечирасиз-у... мен эликдан ошган бўлсам, – дедим нима деяримни билмай. – Шу ёшда...

– Ия, ростданми? Ҳали ёш бола экансиз-ку! – дедилар устоз кулимсираб. – Агар бир йилга битта ҳисоблаганда ҳам менинг ёшимга етгунча камида ўттизта детектив роман ёзсангиз бўлар экан!

Мен ҳам уялиб, ҳам ўйланиб қолдим. Кейинги кун тунда хотиралар китобимни варақлаб, кўрган-кечирганларимни бадийий бўёқларда қоғозга тушира бошладим.

Қарабсизки, муҳтарам устознинг биргина маслаҳати, далдаси, қолаверса, дуоси сабаб уч йил орасида «Қимматга тушган хато ёки қасоскор қалб исёни» (2013) ва «Темурийлар кутубхонасининг сири» (2015) номли

детектив асарларимни китобхонлар эътиборига ҳавола қилдим. Мазкур китоблар хусусида мухлислардан илиқ фикр-мулоҳазалар эшитганимда қалбимда менга устозга нисбатан қалбимда миннатдорчилик ҳисси жўшади.

Шу билан бир қаторда шеъриятга бўлган меҳрим, шеър ёзишга бўлган иштиёқим ҳамиша қўнглимни безовта қилиб турди. Ва ниҳоят, 2011–2015 йиллар давомида ёзилган шеърларимни тўплаб, янгиларини қўшиб, қўлингиздаги китобга жамладим. Бундан ташқари, турли йилларда ёзилган мингта яқин рубоий ва тўртликлар ҳам китобдан жой олди. Улар аслида ҳаёт, умр, одабийлик, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва разолат, меҳр-муҳаббат ва нафрат, садоқат ва хиёнат, адолат ва адолатсизлик, инсон қадри ҳақидаги кўп йиллик мулоҳазалар, хулосаларимнинг шеърий инъикосидир.

2010 йилда «Санзор» нашриётида «Май ичсанг...» номи билан тўрлик ва рубоийлардан иборат тўплам чоп этилган эди. Унга марҳум устоз шоир, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Иброҳим Дониш (Оллоҳ у кишининг жойларини жаннатдан қилсин) сўзбоши ёзган эдилар. Шу тўпламга кирган тўртликлар қўлингиздаги сайланмага тўлиқ жамланди. Шунингдек, муҳтарам устознинг рубоий ва тўртликларимга берган тақризини ҳам асл ҳолича беришга аҳд қилдим. Зеро, май ҳақидаги шеърларимизни ўқиган китобхон янглиш хаёлларга бормасин. Баҳонада олижаноб инсон, ҳассос шоир, қадрдонимиз Иброҳим Донишнинг хотирасини ёд этмоқни ният қилдик.

Азиз китобхон!

Навбатдаги назм гулдастамизни сизларга тақдим этар эканман, холисона мулоҳазаларингизни кутиб қоламан. Зотан, шоир учун ўқувчининг баҳосидан ўзга мезон, мухлисининг бир оғиз илиқ фикридан ўзга рағбат йўқ.

Эҳтиром ила,

Комил Синдаров,

Электрон манзилимиз: sindarov60@gmail.com

ТИНИМСИЗ ҚАЛБ САДОСИ

Ундан ортиқ шеърий китоблари билан мухлислар эътиборига тушган Комил Синдаровнинг тўртлик ва рубойилари билан танишар эканман, инсоннинг ҳаётдаги ўрни, яшашдан мақсади нималардан иборат эканлигини фалсафий йўналишда рамзий маънолар билан очиб беришга қаратилганлигини сездим. Зоҳиран, рубойиларнинг ғояси асосан май ва майпарастларга қаратилгандек. Биз ҳозиргача буюк аллома Умар Хайёмнинг бу мавзудаги рубойиларини севиб ўқирдик, ёд олардик, давраларда айтардик, базму жамшидларда уларни кўкларга кўтарардик, бирорта фикрий хато топа олмасдик.

Бироқ кейинги пайтларда Умар Хайём шеърияти ҳақида ҳар хил қарама-қарши фикрлар пайдо бўла бошлади. Дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилиниб, ҳамма жойда севилиб ўқиладиган рубойилар «булар Умар Хайёмники эмас, балки бошқалар томонидан тўқилиб, у кишига нисбат берилган... Умар Хайём катта илм эгаси, фалакиёт, риёзат, тиб каби илмларда ўз замонасининг пешқадами бўлган», – деган фикрлар пайдо бўлмоқда. «Умар Хайём рубойилари динсизлик, ароқхўрлик, фаҳш ишлар шиори бўлиб қолди» дегувчилар ҳам чиқа бошлади.

Энди бу ёғи қандай бўлди? Комилжон ҳам рубойиларида май ва майхўрликни асосий мавзу қилиб олибди, унга ҳам Умар Хайёмга отилган тошлар тегиб кетмасмикин, деб ўйланиб қолдим. Ёзганларини қайта-қайта ўқидим, бирма-бир фикр чизигидан ўтказдим, кўп мулоҳаза юритдим, сўнг сўз боши ёзишга аҳд қилдим.

Шу ўринда май сўзининг мажозий маъноси ҳақида кўп ва хўп гапирилганини эслатиб ўтиш жоиз. Жумладан, мазкур тушунча ишқ, илм-маърифат, комиллик, бахт-саодат каби яхшиликка чорловчи рамзий маъноларда мумтоз адабиётимизда доимий қўлланиб келинганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳазрат Алишер Навоийнинг асарларида ҳам май образи орқали турли инсоний фазилатлар тараннум этилганлиги маълум. Жумладан, унинг биргина «келмади» радифли машҳур ғазалини олайлик. Асар шундай яқунланади:

*Эй Навоий, бода бирла хуррам эт қўнглинг уйин,
Не учунким бода келган уйга қайғу келмади.*

Комил Синдаровнинг ҳам буюк мутафаккир боболаримизнинг ушбу эзгу анъаналарини давом эттириб, ўзининг бу борадаги қарашларини, ҳис-туйғуларини истиора шаклида билдирар экан, шундай ёзади:

*Гарчи шароб минг бир дардга даводир,
Лек малҳами кўпга ҳаю ҳаводир.
Майни қониб ичганлар кўп дунёда,
Аммо кайфи комилларга раводир.*

Илму маърифат, билимлар эгаси бўлиш билан дарду ғамларга олиши мумкин, лекин унинг малҳамига етишиш, сирларини ечиш ҳар кимга ҳам насиб қилмайди, кўпчилик бу нарсаларни фақат ҳавас қилади. Илмга, ҳақиқатга интилганлар, бу йўлда риёзат чекиб ўқиб-ўрганганлар кўп, лекин, унинг ҳақиқий сирлари фақат асл маъносини уққан комилларгагина насиб қилади.

Ёки:

*От ўрнини бир кун албат той олар,
Жон – омонат, бир кун ердан жой олар.*

*Бу дунёдан ўтай десанг армонсиз,
Тирикликда майдан қонганинг қолар.*

Яъни, бу ўткинчи дунё бешафқат, вақт кутиб турмайди, тирик мавжудот борки, бир куни ўз ўрнини кейинчилари учун бўшатиб беришга мажбур, лекин бу дунёда инсондан қоладигани фақат ва фақат яхшилик, эзгуликдир. Шу боис, ҳар бир инсон бу дунёдан армонсиз ўтай деса, тириклигида, вақт борида ўзгаларга меҳр-муҳаббат улашиш, қўлидан келганича кишиларга яхшилик қилиш пайида бўлиши лозим, зеро инсонга ҳаёт деб аталган неъмат берилганидан кўзланган асл мақсад ҳам ана шудир. Жон қуши бу дунёни тарк этар экан, инсонда бошқа бундай имконият бўлмайди, дейди шоир.

Айтиб ўтганимиздек, бу мавзуда қалам тебратган машҳур алломалардан бири, буюк файласуф, мунажжим, бир қанча аниқ фанлар, тиб илми билимдони бўлган мутафаккир Умар Хайёмдир. Унинг рубоийлари борасида турли фикрлар юрса-да, аҳли донолар ўз вақтида бу буюк зотнинг май образи орқали айтмоқчи бўлган асл фикрларини сизу бизга етказишган. Комил Синдаров ҳам ушбу баҳсу мунозараларга қўшилар экан, қуйидагича ёзади:

*Май тутсалар унут уят, нозини,
Суриштирма майнинг кўли, озини.
Ҳар нарсани унут, фақат унутма,
Умар Хайём ўгитини, сўзини.*

Албатта, рамзий маънодаги Хайём шеърятининг асл моҳиятини тушуниш учун ҳам алоҳида тайёргарлик керак. Дарҳақиқат, қайси соҳада бўлмасин, илму мунозараларга киришган, уни ўрганишга чоғланган киши ўз соҳасининг етук билимдонига айлангунча

илмни бирданига эмас, балки кам-камдан ўрганиб боради. Иккиланишлар, шубҳа-гумонлар кишига фақатгина халақит бериши мумкин. Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим деганларидек, бу борада киши журъатли, қўрқмас, иродали бўлиши лозим, акс ҳолда ҳеч нарсага эришмайди. Шу сабабли ҳам шоир буюк алломанинг ижодини ўрганганда суратга қараб эмас, балки сийратга, яъни асл маъно-моҳиятидаги тарбиявий жиҳатларни ёддан чиқармаслик керак деб уқтиришга ҳаракат қилади.

Бир қарашда Комилжоннинг рубойилари Умар Хайёмниқидан кескин фарқ қилгандек, асосан май ва майхўрлар мажозий маънода берилгандек туюлади. У майни бир жойда дилкаш дўст, бир жойда вафодор ёр, бир жойда мунофиқ кимса, бир жойда ғийбатчи одам, арзимас нарсадан жанжал чиқарувчи, ўзининг босар-тусарини билмайдиган ғаламис сифатида тасвирламоқчи бўлади. Шоир бир рубойида майхўрларга қарата шундай дейди:

*Маю шароб ишқи сени маст қилади,
Хароб айлаб аъмолимни паст қилади.
Самирганда жон беради жонга аммо,
Бир кун келиб ўзингга ҳам қасд қилади.*

Ҳақиқатан ҳам ичкиликка берилган одам ҳеч вақт ундан фойда топмаган, охир-оқибат ўзини хароб айлаган, бор-будидан айирган, соғлиғини йўқотган, бири икки бўлмаган. Шунинг учун ундан узоқлашиш керак. Шоир айтмоқчи бўлган гап ана шу. Мана бу рубойига ҳам эътибор беринг:

*Кимгадир бода-ю, майхона керак,
Кимга эса кўк чой, чойхона керак.*

*Ҳар элнинг ўз севган удуми бордир,
Ўзбекка зиғир ош, кошона керак.*

Бунда ўзбек халқининг қадрлаганлари – кўк чойи, сўлим чойхона, зиғир оши тимсолида миллат улугланмоқда.

Баъзилар майни дарду аламдан, баъзилар хурсандчиликдан ичишади. Бунини шоир бундай деб таърифлайди:

*Баъзан қувонч, баъзан ғамдан ичаман,
Тополмасам дўсту ҳамдам ичаман.
Ёлғиз қолсам доим юрак дардимга,
Шу қурғурдан излаб малҳам ичаман.*

Ҳақиқатан ҳам май ёлғизликда баъзиларга ором беради, ўзини унинг кайфи билан овутади, хаёлидаги мудҳиш ўйларни чиқариб ташлайди, дунёда нималар бўлаётгани билан иши бўлмайди, куннинг қай аҳволда ўтганини ҳам сезмайди, ундайлар борбудини ароққа, унинг ўткинчи лаззатига сарфлагиси келади.

Тўпلامдаги кўпчилик рубоийлар асосан майхўрлар тилидан ёзилган бўлиб, улардаги ғоя ҳам ичкиликка берилмасликка, ахлоқ-одобга, меҳр-муҳаббатга, садоқатлиликка, тўғрилиikka қаратилган. Шу нуқтаи назардан Комил Синдаров рубоийларини асло қоралаб бўлмайди.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, қизгин мунозарали бўлган май лирикасига тўхталар эканмиз, Комилжон Синдаров ижодидаги ушбу мураккаб мавзунинг ҳар иккала, яъни рамзий-мажозий ва тўғридан-тўғри маъноларига бежиз тўхталиб ўтмадик. Чунки бу борада ҳар ким ҳар хил тушунчага эга ва ўқувчи бунини тўғри қабул қилади деган умиддамиз.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4166> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4166> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4166>